
Фарғона шаҳрининг "Мастер режаси"ни ишлаб чиқиш бўйича энг яхши таклифларни танлаш мақсадида эълон қилинган танлов муддати 2023 йил 12 январга қадар узайтирилди

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 октябрдаги 548-Ф-сонли Фармойишининг 4-банди ижросини таъминлаш мақсадида Фарғона шаҳри ва унга туташ ҳудуддаги маҳаллаларни ривожлантириш учун Фарғона вилояти ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" Инжинеринг компанияси буюртмачилигида ҳудудларни ривожлантиришнинг ягона концепцияси – "Мастер-режа"ни ишлаб чиқиш бўйича хизматлар соҳаси ривожланган мамлакатларнинг консалтинг, архитектура ва лойиҳа компаниялари экспертлари билан "Мастер-режа"ларни ишлаб чиқиш бўйича истисно тариқасида энг яхши таклифларни танлаш мақсадида 2022 йил 9 ноябрда эълон қилинган танлов, танлов шартларида белгиланган минимум таклифлар сони (энг камида 3 та) таъминланмагани учун 2023 йил 12 январга қадар узайтирилди.

Хорижий компаниялар томонидан мастер режаларни ишлаб чиқиш таклифлари ва бошқа тегишли ҳужжатларни тақдим этиш муддати 2023 йил 12 январга қадар.

Лойиҳа топшириғи: fergana.uz pages

Баҳолаш мезонлари:

1. Техник тасдиқлаш сифати (қўриш+ёндашув): 30 %
2. Лойиҳа жамоасининг сифати (ходимлар): 20 %
3. Портфолио ва шунга ўхшаш лойиҳалар (тажриба) 20 %
4. Иш режаси (жадвал) 10 %
5. Молиявий таклиф (нарх): 20 %

Таклифларни тақдим этиш учун:

Буюртмачи: Фарғона вилояти ҳокимлиги Инжиниринг компанияси

Телефон: (73) 244-55-64 (93) 980-92-96

Манзил: Фарғона вилояти, 150100, Фарғона шаҳар Темир йўл кўчаси, 37-уй

email:hadi.tv.85@mail.ru

2022-12-23 15:52:07